



## LEGAL ISSUES OF RECOVERY OF INSOLVENT ENTERPRISES

**Khudaybergenov Bekhzod Bakhtiyorovich**<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Doctoral student of Tashkent State Law University,

Doctor of Philosophy in Law

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4748525>

### ARTICLE INFO

Received: 1<sup>st</sup> May 2021

Accepted: 5<sup>th</sup> May 2021

Online: 10<sup>th</sup> May 2021

### KEY WORDS

*bankruptcy, creditor, debtor, insolvency*

### ABSTRACT

*This article examines and analyzes the legal issues of recovery of insolvent enterprises. In addition, recommendations have been developed related to the improvement of legislation on bankruptcy.*

## ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗ КОРХОНАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

**Худайбергенов Бехзод Бахтиёрлович**

<sup>1</sup> Тошкент давлат юридик университети докторанти,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 1-May 2021

Ma'qullandi: 5-May 2021

Chop etildi: 10-May 2021

### KALIT SO'ZLAR

*банкротлик, кредитор,  
қарздор, тўловга  
қобилиятсизлик*

### ANNOTATSIYA

*Ушбу мақолада тўловга қобилиятсиз корхоналарни соғломлаштиришнинг ҳуқуқий масалалари ўрганилган ва таҳлил қилинган. Шунингдек, банкротлик тўғрисидаги амалдаги қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

Тўловга қобилиятсиз корхоналарни энг илғор хорижий тажриба асосида соғломлаштириш бўйича янги тизим жорий этамиз<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда бизнес муҳитини янада яхшилаш давлат иқтисодиётини ривожлантиришдаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон

банкнинг “Бизнес юритиш” рейтингда энг яхши 50 та мамлакат қаторига кириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу рейтингга корхоналарнинг банкрот бўлиши ва соғломлаштиришни тартибга солишга қаратилган “Тўловга қобилиятсизликни ҳал қилиш” индикатори ўз таъсирини кўрсатади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.  
<https://president.uz/uz/lists/view/3324>

<sup>2</sup>Ушбу индикатор бўйича “Бизнес юритиш 2020” ҳисоботида Ўзбекистон 100-ўринда қайд этилган.  
<https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/country/u/uzbekistan/UZB.pdf>



Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, XVI асрда банкротликка доир муносабатларнинг ривожланиши натижасида Франция, Германия, Англияда банкротлик ҳақидаги махсус қонунлар қабул қилинган. Шундан сўнг, банкротлик билан боғлиқ махсус ҳуқуқ соҳалари пайдо бўла бошлаган. Ҳозирда бундай фан соҳалари турли номлар билан аталади: МДҲ давлатларида “Тугатиш ҳуқуқи”, Европа ва Америкада “Bankruptcy law”, “Insolvency law”, “Corporate Insolvency law”, “Bankruptcy and rehabilitation law” ва бошқалар.

Кишилиқ жамияти ривожлангани каби банкротлик муносабатлари ҳам тараққий этиб борган. Дастлаб, кредиторлар талабларини қаноатлантириш дастлабки ўринни эгаллаган бўлса, бугунги кунга келиб барча давлатлар корхоналарни сақлаб қолиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Кредиторлар манфаатларини инобатга олган ҳолда қарздорни молиявий соғломлаштиришга қаратилган чоратadbирларни амалга ошириш энг тўғри йўл эканлиги ойдинлашди. Шуларга асосан, давлатлар ўз қонунларини қарздорни реабилитация қилишга мослаб яратмоқда, ўзгартирмоқда.

Корхоналарни соғломлаштиришда “банкротлик” ва “тўловга қобилиятсизлик” тушунчаларининг мазмунини ёритиш муҳимдир. Тўлов қобилиятига эга бўлган корхонани судгача санация қилиш ёки унга нисбатан банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғаш мантиқсиздир.

Ф. Отахонов ва Ф.Ибротова ёзадики, “банкрот” атамаси фақат суднинг ҳал қилув қароридан сўнг корхонага нисбатан қўлланилиши мумкин<sup>3</sup>.

Билдирилган ушбу фикрларга қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш ўринлики, “банкротлик” тўловга қобилиятсизлик натижасида суд томонидан тугатишга доир иш юритиш таомили қўлланган қарздорнинг ҳуқуқий ҳолатини англатади. “Тўловга қобилиятсизлик” тушунчаси қарздорнинг кредиторлар талабларини бажара олмаслик ҳолатини билдиради.

Шундай бўлса-да, Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги қонунга кўра судларда кўриладиган иш “банкротлик тўғрисидаги иш” деб номланади, унда қўлланиладиган таомиллар “банкротлик таомиллари” деб юритилади. Шу ҳолат тўловга қобилиятсиз корхоналарни соғломлаштиришдаги энг асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади.

Тугатиш ҳуқуқининг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, унда “тўловга қобилиятсизлик” тушунчаси билан бирга “тўловсизлик” тушунчасини ҳам учратиш ва уни янада қадимийроқ деб ҳисоблаш мумкин. Тўловсизлик деганда мажбуриятларнинг умумий миқдори қарздорнинг мол-мулки қийматидан ортиб кетиши натижасида шахснинг пул мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги тушунилади.

“Тўловсизлик” тушунчасидан илк бор тугатиш ҳуқуқининг илк куртаклари очилган Италия, Франция ва Англияда фойдаланилган ва қарздорни банкрот деб топиш ҳам маъмурий тартибда кўриб чиқилган. Кўрсатилган давлатларда тугатиш ҳуқуқининг мақсади тахмин қилинган барча кредиторларни, уларнинг сонидан қатъий назар, жалб қилиниб, кредиторлик қарзларни қарздор мол-мулки ҳисобидан қаноатлантирган ҳолда,

<sup>3</sup>Отахонов Ф.Ҳ., Ибротова Ф.Б. Хўжалиқ судларида банкротлик ишларини кўришнинг ўзига хос

хусусиятлари. Монография. – Т.: ТДЮИ, 2013. – Б. 22.



қарздорнинг савдо фаолиятини тугатишдан иборат бўлган. Ушбу жараёнларда қарздорнинг қарзларни тўлай олиши ва кредиторлар талаблари қаноатлантириши ёки ишлаб турган қарздор фаолиятининг тўхташи янги тугатиш ҳуқуқини шакллантиришда “тўловсизлик” тушунчаси яроқсиз бўлишини кўрсатди. Чунки, тўловсизлик принципи кредиторлар манфаатлари мос келмас ва кредиторлар банкротлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун қарздорлик миқдори қарздорнинг мол-мулки қийматидан ортишини кутишлари лозим эди. Натижада ушбу давлатлар қонунчилиги ва амалиётига олдин қўлланилмаган янги категория “тўловга қобилиясизлик” кириб келди<sup>4</sup>. Тўловга қобилиятсизликнинг афзаллиги шундан иборат эдики, агар қарздор кредиторлар талабларини тегишли муддатларда бажаришга қодир бўлмаса, қарздорлик миқдори белгиланган суммани ташкил этса, кредиторлар банкротлик тўғрисидаги ишни очиш тўғрисида муурожаат қилишлари мумкин бўларди. Германия ва Россия тугатиш ҳуқуқида ҳам “тўловсизлик” тушунчасидан воз кечилди ва иқтисодий ўсиш жараёнларида қўлланиладиган тўловга қобилиятсизликнинг аломатлари акс эта бошлади<sup>5</sup>.

Тўловга қобилиятсизлик қонунчилиги икки ҳил ривожланиш йўлига эга бўлиб, унинг биринчиси, қарздор мол-мулкни кредиторларга тақсимлашни назарда тутса (масалан, Англия, Италия), иккинчиси

қарздорни иқтисодий тиклашга хизмат қилади (масалан, Франция, АҚШ, Украина).

Россия ва кўпгина МДХ давлатлари ҳуқуқий адабиётларида банкротлик билан боғлиқ барча масалалар тугатиш ҳуқуқи доирасида ўрганилади (Ўзбекистонда алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида шаклланмаган). Тугатиш ҳуқуқи – юридик ва жисмоний шахслар банкротлиги ва уни олдини олиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормалардан ташкил топган комплекс (соҳалараро) ҳуқуқий институт<sup>6</sup>. Тугатиш ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимидаги ўрни ҳақида бир хил ёндошув мавжуд эмас<sup>7</sup>. Ҳуқуқ соҳасига бундай ном берилиши банкротлик жараёни фақат корхонани тугатиш, унинг мол-мулкни кредиторларга тақсимлаш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади, деган тасаввур уйғотиши табиий. Бироқ, бозор иқтисодиётининг талаблари қонунларга ўзгартириш ёки янги қонунларни қабул қилиш лозимлигини кўрсатди, натижада банкротлик билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар “Тугатиш ҳуқуқи”га мос бўлмай қолди. 90-йилларнинг ўрталарида МДХ давлатларининг банкротлик тўғрисидаги қонунлари қарздорни тугатишга доир нормалардан ташкил топган бўлса, бугунги кунга келиб қарздорни реабилитация қилишга қаратилган янги қонунлар қабул қилинди. Жумладан, 2012 йил 13 июлдаги Беларусь Республикасининг “Иқтисодий ночорлик (банкротлик) тўғрисида”ги Қонуни, 2014 йил 7 мартдаги Қозоғистон

<sup>4</sup>Кораев К.Б. Правовое положение неплатежеспособного должника. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Санкт-Петербург. 2014. – С. 24.

<sup>5</sup>Трайнин А. Несостоятельность и банкротство. Санкт-Петербург. 1913. – С. 14.

<sup>6</sup>Юлова Е.С. Конкурсное право: Правовое регулирование несостоятельности (банкротства):

учебное пособие, 2-е изд., переработанное и доп. / Е.С.Юлова. – М.: МГИУ, 2008. – С.

<sup>7</sup>Қаранг: Белых В.С., Дубинчин А.А., Скуратовский М.А. Правовые основы несостоятельности (банкротства) – М., 2001. – С. 22; Карелина С.А. Правовое регулирование несостоятельности (банкротства): Учеб.-практ. Пособие. – М., 2006. – С. 12; Телюкина М.В. Основы конкурсного права. – М., 2004. – С. 62 и др.



Республикасининг “Реабилитация ва банкротлик тўғрисида”ги Қонуни, Украинанинг “Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва уни банкрот деб топ топиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқалар. Ушбу қонунларнинг барчасида қарздорнинг иқтисодий ҳолатини тиклаш масаласи кредиторлар талабларини қаноатлантириш билан бир хил даражада қилиб белгиланди.

Банкротлик ҳуқуқи ҳам оммавий, ҳам хусусий нормаларни ўзи ичига олишидир. Оммавий-ҳуқуқий нормалар процессуал, маъмурий, жиноий ва бошқа ҳуқуқий соҳаларга тегишли бўлади. Шундай бўлса-да, банкротлик ҳуқуқининг аксарият қимини фуқаролик-ҳуқуқий нормалар ташкил этади. Жумладан, банкротлик ҳуқуқининг субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қарздорнинг мол-мулки, айрим битимларнинг ҳақиқий эмаслиги, қарздорнинг тугатиш массасини шакллантириш ва уни кредиторлар ўртасида тақсимлаш тартиби. Фуқаролик қонун ҳужжатлари иштирокчиларининг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлигига, шартноманинг эркинлигига, хусусий ишларга бирон-бир

кишининг ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари тўсқинликсиз амалга оширилишини, бузилган ҳуқуқлар тикланишини, уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланади. Ушбу норма банкротлик жараёнида қарздорнинг ички ишларига кредиторларнинг аралашмаслиги, унинг мулки дахлсизлиги сақланиши, барча иштирокчилар тенг даражада қатнашиши лозимлигини кўрсатади.

Юқорида билдирилган фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, амалдаги қонунчилигимиз “тўловга қобилиятсизлик” тушунчасига қараганда “банкротлик” тушунчасига устунликни беради. Банкротлик эса моҳиятан тугатишга яқин бўлганлиги боис, қорхонани соғломлаштириш билан боғлиқ қоидаларга зиддир. Тўловга қобилиятсизлик орқали банкротлик ва санацияни умумлаштириш мумкин. Шунингдек, қорхонани соғломлаштиришга қаратилган нормалар самарасиз бўлиб, халқаро ташкилотлар томонидан билдирилган тавсиялар асосида янги механизмларни қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>
2. “Бизнес юритиш 2020” ҳисоботида Ўзбекистоннинг кўрсаткичлари. <https://www.doingbusiness.org/content/dam/doingBusiness/country/u/uzbekistan/UZB.pdf>
3. Отахонов Ф.Ҳ., Ибратова Ф.Б. Хўжалик судларида банкротлик ишларини кўришнинг ўзига хос хусусиятлари. Монография. – Т.: ТДЮИ, 2013. – Б. 22.
4. Кораев К.Б. Правовое положение неплатежеспособного должника. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Санкт-Петербург. 2014. – С. 24.
5. Трайнин А. Несостоятельность и банкротство. Санкт-Петербург. 1913. – С. 14.
6. Юлова Е.С. Конкурсное право: Правовое регулирование несостоятельности (банкротства): учебное пособие, 2-е изд., переработанное и доп. / Е.С.Юлова. – М.: МГИУ, 2008. – С.
7. Белых В.С., Дубинчин А.А., Скуратовский М.А. Правовые основы несостоятельности (банкротства) – М., 2001. – С. 22;
8. Карелина С.А. Правовое регулирование несостоятельности (банкротства): Учеб-практ. Пособие. – М., 2006. – С. 12;
9. Телюкина М.В. Основы конкурсного права. – М., 2004. – С. 62 и др.